



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iyul

145 u -son

Bog‘ot shaharchasi

Марҳум Қурёзов Қурбондурдининг турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Оқ олтин” маҳалласида яшовчи фуқаро Қурбондурдиев Дониёр Якуббоевичнинг марҳум бобоси Қурёзов Қурбондурдининг “Оқ олтин” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 7 январдаги ШЯ-Қ-28-сонли аризасини, “Оқ олтин” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2020 йил 23 октябрдаги 3690-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Боғот тумани “Оқ олтин” маҳалласида жойлашган 9 (тўққиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 84,0 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 6 (олти)та бўлиб, ички ўлчами 143,55 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 227,55 квадрат метр, қурилиш ости майдони 353,55 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан марҳум Қурёзов Қурбондурдинга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Марҳум Қурёзов Қурбондурдининг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Марҳум Курёзов Курбондурдининг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев